Trade and diplomatic relations of Central Asia with Eastern countries

Sevarakhon Qodirova

Senior Researcher, Kokand State Museum-Reserve

Abstract

This article analyzes the trade and diplomatic relations of Central Asia with Eastern countries in ancient and medieval times, the role of the Great Silk Road in this process, and the development of economic and cultural relations among peoples. It also examines diplomatic relations between Central Asia and China, India, and other Eastern states, as well as the processes of trade and exchange of goods carried out through trade routes.

Keywords

Central Asia, Eastern countries, trade relations, diplomatic relations, Great Silk Road, diplomacy, cultural relations, China, India, caravan routes.

Ўрта Осиёнинг Шарқ мамлакатлари билан савдо-дипломатик алоқалари

Севарахон Қодирова

Қўқон давлат музей қўриқхонаси катта илмий ходими

Аннотация: Ушбу мақолада Ўрта Осиёнинг Шарқ мамлакатлари билан қадимги ва ўрта асрлардаги савдо-дипломатик алоқалари, Буюк Ипак йўлининг бу жараёндаги ўрни ҳамда халқлар ўртасидаги иқтисодий ва маданий муносабатларнинг ривожланиши таҳлил қилинади. Шунингдек, Ўрта Осиё ва Хитой, Ҳиндистон ҳамда бошқа Шарқ давлатлари ўртасидаги элчилик алоқалари, савдо йўллари орқали амалга ошган товар айирбошлаш жараёнлари ёритилади.

Калит сўзлар: Ўрта Осиё, Шарқ мамлакатлари, савдо алоқалари, дипломатик муносабатлар, Буюк Ипак йўли, элчилик, маданий алоқалар, Хитой, Ҳиндистон, карвон йўллари.

Ўрта Осиё қадимдан Шарқ ва Ғарб цивилизациялари ўртасини боғлаб турган муҳим ҳудудлардан бири ҳисобланган. Унинг қулай географик жойлашуви

халқаро савдо йўлларининг шаклланишига ва турли халқлар ўртасидаги иқтисодий, сиёсий ҳамда маданий муносабатларнинг ривожланишига замин яратган.

Айниқса, Буюк Ипак йўли орқали Ўрта Осиё шаҳарлари Хитой, Ҳиндистон, Эрон ва бошқа Шарқ мамлакатлари билан яқин алоқада бўлган. Бу алоқалар нафақат товар айирбошлаш, балки илм-фан, маданият, ҳунармандчилик ва дипломатик анъаналарнинг ўзаро тараққиётига ҳам хизмат қилган. Турли даврларда юборилган элчилар ва тузилган сиёсий келишувлар давлатлар ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этган.

Ўрта Осиёнинг теварак-атрофдаги мамлакатлар билан савдо-дипломатик алоқалари доимо жуда катта роль ўйнаган. Ўрта Осиё орқали қадимги замонларданоқ Олд Осиёдан Хитой ва Мўғулистонга карвон йўли ўтарди. Айрим тарихий даврларда савдо йўлларининг ўзгариб турганлигидан Ўрта Осиёнинг транзитлик аҳамияти ҳамма вақт ҳам бир хил бўлмаган. Савдо йўлларининг йўналиши ўзгаришидан ташқари бу ҳол Ўрта Осиёнинг халқаро савдо алоқаларида унинг сиёсий ҳолати ва ишлаб чиқарувчи кучларнинг у ёки бу тарихий даврдаги умумий даражасига ҳам таъсир этарди.

Ўрта Осиёнинг ўтмишда халқаро савдода қатнашиши барқарор ички бозор яратилишига олиб келмади. Бунинг салбий оқибатлари XVI-XVII асрлардаёқ Ўрта Осиёнинг иқтисодий ҳолатига таъсир кўрсатган эдики, ўша вақтда Буюк географик кашфиётлар туфайли савдо йўллари ва хусусан, Европа билан Осиё ўртасида савдо-сотиқ олиб бориладиган катта йўллар йўналиши ўзгарган эди.

Бироқ бу ўзгариш Ўрта Осиёнинг тевар-атрофдаги мамлакатлар билан бўлган анъанавий алоқаларини тўла узиб қўёлмади. Бухоро, Хива ва Балхдан йўлга чиқадиган савдо карвонлари аввалгидек Ҳиндистон, Эрон, Қозоғистон ва Ноғай даштлари, Сибирь ҳамда Қашғарга қатнайверарди. Бу мамлакатларнинг

ҳаммасидан ҳам Ўрта Осиёга карвонлар келиб турарди. XVI аср иккинчи ярмида савдогарлар Пешавор, Декан ва Гужаратдан (Ҳиндистон) ўз карвонлари билан Хуросонга ҳам, Ўрта Осиёнинг унга туташ ҳудудларига ҳам келиб турардилар.

Ўрта Осиёлик савдогарлар XVI асрда Кучумнинг Бухоро хонлиги билан дипломатик алоқалар олиб борган “Сибир подшолиги” да каттагина роль ўйнадилар. Ўша даврдаги Ўрта Осиё тарихчиларнинг хабарларига кўра Ўрта Осиёнинг Эрон билан олиб борган савдоси ҳам узилиб қолмади.

XVI аср иккинчи ярмида Бухоронинг қўшни мамлакатлар билан ташқи дипломатик алоқалари фаоллашади.

Серғайрат Абдуллахон Эрон шоҳи Аббосга (1587-1628) таҳдид солиш мақсадида турк султони Мурод II билан иттифоқ тузишга уринади.

1585 йилда Бухоро билан Ҳиндистон бир-бирлари билан элчилаклар алмашдилар. Шарқ давлатлари билан савдо алоқаларининг озми-кўпми мунтазам бўлишига қарамай, улар билан бўлган дипломатик алоқалар мунтазам эмасди. Манбаларда Бухорога, Имомқулихон ҳузирига келган Ҳиндистон элчилиги ва Ҳиндистонга жавобан жўнатилган элчилик, Ҳиндистондан Бухорога 1684 йилда келган элчилик ҳамда Хўтан, Қашғар ва Қримдан келган элчиликлар тўғрисида эслатилади. Бухоро билан Эрон ўртасидаги адоватли муносабатлар туфайли Бухоро хони Субхонқули билан турк султони Аҳмад II ўртасида (у ҳам Эронга нисбатан адоват сақларди) дипломатик алоқалар ўрнатилди. Тўғри, ўша даврда Бухоро билан Туркия ўртасидаги расмий муносабатлар дипломатик ёзишма ёки элчиликлар юбориш билангини чекланган бўлиб, амалда сиёсий оқибатларга эга эмасди. Ўрта Осиё хонликлари ва улар атрофидаги мамлакатлар-Ҳиндистон, Афғонистон, Хитой, Туркия билан бўлган дипломатик алоқаларнинг беқарорлиги XVIII-XIX асрлар учун ҳам хос эди.

Шунга қарамай, бу мамлакатлар ўртасидаги савдо алоқалари озми-кўпми мунтазам давом этарди.

Ўрта Осиё хонликлари билан уларнинг шарқий қўшинлари ўртасида олиб борилган савдо-сотиқ XVI асрнинг иккинчи ярми кенг тус олди. Бунга XIX асрнинг 20-йилларидаги Бухоро мисолида ишонч ҳосил қилиш мумкин. Кўриб чиқилаётган даврнинг 20-йилларида Бухорода бўлган Демезоннинг хабар беришича, хонликка ва у орқали Ўрта Осиёга Қобулдан новшадил, кимхоб, дока, чит, ширинликлар, қимматбаҳо тошлар; Панжобдан нил, қанд-шакар; Кашмирдан турли хил шоли, тилла суви юритилган ёғоч қошиқлар, қўлёзмалар ва ёзув ашёлари; Пешавордан пиёз, гуруч, тамаки, тарозилар, қанд-шакар келиб турар, Хитойдан Бухорога Қашғар ва Қўқон орқали тахта чой, кўк чой, кичик ёмбилик кумуш, чинни ҳамда бошқа кўп нарсалар келтириларди.

Бухородан Қобулга кўплаб зарб қилинган тангалар, ипак ва ярим ипак кўйлаклар, шойи дастрўмоллар, чой, хитой чинниси ҳамда айрим рус моллари; Ҳиротга темир, мис ва бошқа нарсалар; Эронга Машҳад орқали қоракўл терилари, зарб қилинган тилла ва ҳоказо жўнатиларди.

Демезон Ўрта Осиёнинг шарқий мамлакатлар билан савдо алоқалари жонланиб кетганлиги тўғрисида қуйидагиларни хабар қилади: Бухоронинг 22 та карвон саройидан 9 тасида Афғонистон ва бошқа шарқий мамлакатлардан келган савдогарлар қўнарди. Масалан, Мирзачўл саройи афғонлар, ҳиндулар билан банд бўларди; Бадриддин саройида Қобул, Пешавор ва Кашмирдан келтирилган моллар сақланарди; Хўжа Жўйбар саройи ҳамда Ҳинди саройи ҳам ҳиндлар билан банд бўларди; Қушбеги саройида ҳинди ва форс савдогарлари жойлашарди.

Ўрта Осиёнинг Россия билан XVI-XIX асрлардаги ўзаро алоқалари

Ўрта Осиёнинг Россия билан ўзаро алоқалари XVI аср иккинчи ярмида авж олаборади. Бу даврдаги Бухоро хони Абдуллахон II давлатни ички жиҳатдан

мустаҳкамлашгагина эмас, балки ташқи алоқаларга ҳам катта аҳамият бераради. Ўша вақтга келиб Россиянинг халқаро мавқеи анча юқори эди. 1552 йилда Иван Грозний Қозон хонлигини, 1556 йилда эса Астрахан хонлигини босиб олган эди. Волга бўйидаги, кейинчалик Ғарбий Сибирдаги бутун ҳудуд Москва давлатига қарам бўлиб қоладики, бу эса унга савдо йўлларини назорат қилиш ва савдо билан боғлиқ муаммолар ечимига таъсир ўтказиш имконини беради. Бу даврга келиб Россиянинг Ўрта Осиё давлатлари билан алоқалари жонланади. 1557-1558 йиллардаёқ Хива, Бухоро ва Самарқанддан Иван IV ҳузурига элчилар келиб савдогарларнинг Волга бўйлаб эркин ўтишларига ижозат беришини сўрадилар. Айни вақтда Астраханга Шемаха, Дарбант, Хива ва бошқа шаҳарлар савдогарлари ташриф буюрадилар, кейинчалик Шемаха ҳамда Бухоро билан савдо-сотиқ тўғрисида шартномалар тузилади. “Москва савдо компанияси” нинг вакили инглиз Антони Женкинсон 1558-1559 йилларда Бухоро ва Хивада бўлади.

XVII асрнинг биринчи ярми давомида ҳам Ўрта Осиё хонликлари, ҳам Россия томонидан қизғин савдо алоқалари олиб борилади. Россия бу алоқаларни кенгайтиришдан манфаатдор эди, чунки поляк-швед босқинидан кейин унинг халқаро мавқеига анча путур етган эди. Ички зиддиятлар ҳам давлатнинг заифлашишига сабаб бўлган эди.

1620 йилда Ўрта Осиёга рус элчиси Иван Хохлов келади, 1669-1670 йилларда эса рус элчилари Б.А. ва С.И.Пазухинлар Бухоро, Хива, Урганч ва Балхга ташриф буюрадилар. 1671 йилда Бухородан Москвага юборилган мулла Фаррух элчилиги Москва билан Бухоро ўртасида доимий алоқалар ўрнатишга хизмат қилиши керак эди. Ўрта Осиёга 1675-1676 йилларда ташриф буюрган В.А.Даудов ва Муҳамадюсуф Қосимов элчилиги Бухоронинг савдо-иқтисодий аҳволи билан танишиши керак эди.

XVI-XVII асрларда Ўрта Осиё хонликларидан Россияга етказиб бериладиган асосий моллар арзон ип газламалар ва улардан хонликларда кўплаб ишлаб чиқариладиган буюмлар эди. Шунингдек, юпқа дока, парча, ипак буюмлар, қимматбаҳо матолар, гиламлар, ҳам етказиб бериларди. Шулар билан бирга қимматбаҳо тошлар, шарқона қурол, бўёқ моддалар, дори-дармон ўсимликлари ва ҳоказо жўнатиларди. Ўрта Осиё савдогарлари Россиянинг Шарқдаги бошқа мамлакатлар билан савдосида воситачилик қилардилар.

Россиядан Ўрта Осиё хонликларига Россияда ҳамда ғарб мамлакатларида ишлаб чиқарилган мовут ва бошқа жун матолар, шунингдек, атласлар, кўзгулар, оқсувсар ҳамда тулки мўйнаси, ишлов берилган чарм ва чарм буюмлар, кумуш, шунингдек кўп миқдорда ёғоч идишлар, от жиҳозлари, мих, тугма, нина, тўғноғич ва бошқа кенг истеъмол буюмлари келтириларди. XVIII асрда рус метали ва металл буюмлар Ўрта Осиё учун катта аҳамият касб этади.

XVII аср мобайнида Россияда марказлашган давлат таркиб топди, аср охирига келиб унинг заифлашаёзган халқаро нуфузи анчагина мустаҳкамланди. Бутунроссия бозори шаклланди. Россияда ўз металлургия саноати, шунингдек шиша буюмлар, қоғоз ва ҳоказолар ишлаб чиқарадиган корхоналар пайдо бўлди. Буларнинг ҳаммаси Россиянинг Ўрта Осиё хонликлари билан савдоси фаоллашувига олиб келди. Ўрта Осиёнинг Россия билан бўлган товар оборотининг умумий хажми XVII асрда, тахминий ҳисобларга кўра, 100 минг сўмни. Россиянинг Ғарбий Европа билан бўлган савдо обороти эса 500 минг сўмни ташкил этди.

Россия- XVIII асрдаги Ўрта муносабатлари Осиё

Пётр I даврида Россиянинг Ўрта Осиё хонликлари билан савдо-дипломатик алоқалари катта аҳамият касб этади. Пётр I топшириғига кўра, улар фикрича, тиллали қум тўлиб ётган Амударё ўзанини қидириш, шунингдек Хива хонини рус

фуқаролигини қабул қилишга кўндириш кўрсатмасини олган А. Бекович-Черкасский ва И.Бухгольц уринишларининг амалга ошмаганлиги рус подшосини Ўрта Осиё билан алоқаларни йўлга қўйишнинг фақат “дипломатик” чораларини қўллашга мажбур қилди.

Асосий эътибор ички низолардан фойдаланган ҳолда Ўрта Осиё хонликларида сиёсий таъсирни мустаҳкамлашга қаратилди.

Қозоқлар рус фуқаролигини қабул қилгандан кейин Оренбург генерал-губернатори қиёфасидаги ҳукумат турли мақсадларда Бухоро ва Хивага элчиликлар юборди. 1740 йилда Р.Гокк Хива билан Бухорога юборилади; 1753 йилда Я.Гуляев рус савдогари Д.Рукавкин карвони таркибида ўзбек хонликларида бўлди; 1771 йилда М.Бекчурин Бухорога юборилди.

XVIII аср иккинчи ярми Россия-Бухоро савдо ва дипломатик алоқалари тарихида Россия-Ўрта Осиё савдосини йўлга қўйиш мақсадида Эрназар Мақсутов элчилигининг 1774-1776 йилларда Россияга бориши катта қизиқиш уйғотади. Шу билан бирга бу элчилик сиёсий аҳамиятга ҳам эга эди. Э.Мақсутовнинг рус ҳукуматига қилган таклифларига кўра, Россия билан Бухоро ўртасидаги савдо алоқаларини янада ривожлантириш учун қозоқ жузъларида Россия мавқеини мустаҳкамлаш зарур эди. Император кенгаши мажлисида кўриб чиқилган бу таклиф Россия диққатини жалб қилди. Рус ҳукумати Э.Мақсутов элчилигига катта эътибор берар эди. 1779-1780 йилларда Э.Мақсутов Россияга иккинчи элчилик бошлиғи бўлиб борди, 1797 йилда эса Россияга Шоҳмуроднинг элчиси Полвонқули қурчи ташриф буюрди.

Буларнинг ҳаммаси XVIII асрда Россия давлати билан Бухоро хонлиги иқтисодий ва сиёсий мақсадларни кўзлаб, элчилик алоқаларини ривожлантирганликларидан дарак беради. Рус ҳукумати хонликнинг хонликнинг сиёсий ва иқтисодий аҳволи тўғрисида батафсил маълумотлар олишга интилди,

уни хонликларнинг ташқи алоқалари қизиқтирарди. Худди шу мақсадда Д.Телятников бошчилигидаги Россия элчилиги Тошкентга келди. У Россияга қайтаётганида Тошкент ҳокими унга ўз вакиллари – Муҳаммаджон Махсум ва Ашурали Баҳодирни қўшиб жўнатди. Бу савдо-дипломатик алоқаларда сиёсий мақсад устунроқ эди.

Россиянинг Ўрта Осиё хонликлари билан олиб борган савдо-дипломатик алоқалари ҳамма вақт ҳам мунтазам ва муваффақиятли бўлмай, бу нарса Россиянинг халқаро мавқеи ва хонликлардаги можаролар билан боғлиқ эди.

XIX асрда Россия-Ўрта Осиё алоқалари анча фаоллашди. Амирлар ва хонлар, анча фаоллашди. Амирлар ва хонлар, одатда, Петербургга кўпроқ юқори лавозимли амалдорларни юборар эдилар. Гоҳо бу ролни дипломатмк топшириқларни савдо ишлари билан бирга қўшган ҳолда савдогарлар бажарарди. Россия билан Ўрта Осиё ўртасидаги алоқа кўп ҳолларда онда-сондагина қўллаб-қувватланарди. Кўпинча жавоб ташрифлари бир неча йилдан сўнг тайёрланарди, баъзан эса ундан умуман воз кечиларди.

Савдо алоқаларини кенгайтириш рус савдогарлари учун савдо шартларини яхшилаш, Россиянинг Ўрта Осиёдаги сиёсий таъсирини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш Россия-Ўрта Осиё муносабатларидаги асосий муаммолар эди. XIX асрнинг 20-йилларида инглизларнинг Ўрта Осиёга суқилиб киришга муваффақиятли уринишлари муносабати билан бу муаммолар янада муҳим аҳамият касб этди. Ўрта Осиёда инглиз-рус рақобатининг кучайиши ва Россия ҳукуматининг Ўрта Осиё хонликларида ўз таъсирини қарор топтириш йўлидаги ҳаракатлари XIX аср биринчи ярмидаги Россия ташқи сиёсатининг негизини ташкил этарди.

Россияда Ўрта Осиё хонликлари элчиларининг қабул қилиниши

Ўрта Осиё хонликлари элчилари XIX асрга оид маълумотларидан маълум бўлишича, қуйидагича қабул қилинган: одатда элчилар Оренбургга келганлар. Айрим ҳолларда Қўқондан Ғарбий Сибирь генерал-губернатори қароргоҳи жойлашган Омскка келганлар. Уларни Осиё департаменти қарамоғидаги Оренбург чегара комиссиясининг амалдорлари қабул қилган; элчихона бошлиғи билан шу комиссия раиси суҳбатлашган. Элчилар келганлиги, уларнинг мақсад ва вазифалари тўғрисида пойтахтга хабар берилган. Агар ўз вакилларини юборган давлат билан муносабатлари адоватли бўлса ёки унинг ҳаракатларидан норозиликни кўрсатиш керак бўлса чор ҳукумати унинг вакилларини Петербургга келишига рухсат бермаган. Агар ваколатхона бошлиғи етарли даражада юқори лавозимли амалдор бўлмаса, ёки ёқмайдиган масалаларни муҳокама қилишни кўзласа ҳам шундай қилинарди. Ҳаммаси жойида бўлса, элчига махсус назоратчи ва озгина соқчилар билан бораверишга ижозат бериларди. Меҳмонларни боқиш учун тегишли маблағлар ажратиларди. Меҳмондорчилик катта бўлиб, чор маъмурлари келганларни дабдабали, саноат ва тараққиёт ютуқлари билан ҳайратлантиришга интилардилар.

Амалий суҳбатлар император, малика ва тахт вориси қабуллари билан уйғунлашиб кетарди. 1828 йилда Қўқон элчиларига чўян заводини кўрсатишди, улар биринчи кадет ккорпуси, цирк, кунст-камера ва госпиталга бордилар, госпиталда элчилардан бирининг кўзини даволадилар. Бухоро элчиси Болта Қулибек Раҳматбеков 1839 йил қишда шиша заводи, зарбхона ва бошқа жойларга олиб борилди. Унинг юртдоши Мулла Муқимбек 1840 йил ёзида чиннихрустал-кўзгу император заводларини томоша қилди, зарбхона, тоғ-кон корпуси, ботаника боғи, Санъат академияси ва Пулково расадхонасида бўлди.

Совғалар айрбошлаш ҳам анъанавий тус олди. Ўрта Осиёдан совғага, одатда, арғумоқлар, матолар (айниқса ипакли) ва кўп бошқа нарсалар келтириларди. Элчиларга жавоб совғалари мўйналар, шиши ва металл буюмлар бериларди.

Шундай қилиб, XVI аср - XIX аср биринчи ярмида Ўрта Осиё хонликлари қўшни давлатлар билан озми – кўпми фаол савдо – дипломатик алоқалар олиб борардилар. Бу алоқалар гарчи ҳамма вақт ҳам мунтазам бўлмаса-да, лекин улар Ўрта Осиё хонликлари ўз сиёсий нуфузини ошириш ва иқтисодиётни мустаҳкамлашга интилаётганидан дарак бераради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. И.А.Каримов Тарихий хотирасиз келажак йўқ.
2. А.А.Асқаров Ўзбекистон тарихи.
3. Б.А.Аҳмедов Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари.
4. Азамат Зиё Ўзбек давлатчилиги тарихи.
5. Ўзбекистон миллий энциклопедияси.
6. Э.В.Ртвеладзе Ўзбекистон тарихи.